БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИГА БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ III ҚУРУЛТОЙИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

**Ислом КАРИМОВ:**

**КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИЛАНАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ ЙЎСИНДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ, МЕҲНАТКАШЛАР КЕНГ ИЖТИМОИЙ ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИНИНГ ҲИМОЯЧИСИ СИФАТИДА ЎЗИНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШГА ИНТИЛАЁТГАНИ ЭЪТИБОРГА САЗОВОРДИР.**


# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 8 апрел, шанба №50 (882)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

**Ҳурматли қурултой қатнашчилари!**

**Сизларнинг бугунги анжуманингиз мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида теран ўзгаришлар юз бераётган, жамиятимизни демократлаштириш жараёни янги босқичга кўтарилаётган бир пайтда ўтаётгани билан муҳим аҳамиятга эга.**

**Сафларида миллионлаб кишиларни бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.**

**Касаба уюшмаларининг ўз фаолиятини янгиланаётган иқтисодиёт талабларига мувофиқ йўсинда ташкил қилиш, меҳнаткашлар кенг ижтимоий қатлами манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг ҳаракат дастурини изчиллик билан ҳаётга жорий этишга интилаётгани эътиборга сазовордир.**

**Бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масала - сиёсий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаси, бошқа нодавлат ва жамоат тузилмалари қаторида, касаба уюшмаларига ҳам улкан масъулият юклайди.**

**Ишончим комилки, мамлакатимизда давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида шаклланиб келаётган барқарор ва самарали муносабатлар бундан буён ҳам ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ривожланиб бораверади.**

**Бу жараёнда меҳнат аҳлига моддий-маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, одамларнинг ташаббус ва изланишларини рағбатлантириш айниқса муҳим аҳамият касб этади.**

**Мана шу улкан вазифаларни амалга оширишда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида касаба уюшмалари сидқидилдан хизмат қиладилар, деб ишонаман.**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, олижаноб ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.**

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти***

***Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Президент Ислом Каримовнинг миллий мафкурани шакллантиришга бағишланган йиғилишдаги маърузасидан келиб чиқувчи вазифалар мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда республиканинг етакчи олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанлардан дарс берувчи академиклар, профессорлар, таниқли олимлар, маданият арбоблари, маънавият ва маърифат соҳаси мутахассислари иштирок этди.***

## МИЛЛИЙ МАФКУРА - КЕЛАЖАК ЙЎЛИ

Мажлисни очишда сўзга чиққан Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов ёш авлодни миллий мафкура руҳида тарбиялаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди. Таълим жараёни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ажралмас ва устувор қисми ҳисобланади. Миллий ғоя ёрдамида ёшларга ўзбек халқи асрлар давомида тўплаган маънавий бойликларни, шунингдек, умуминсоний қадриятлар, жаҳон маданияти ютуқларини етказиш зарур. Мамлакатимиз келажаги бугунги ёш авлодни қандай мафкура асосида тарбиялашга боғлиқ, шунинг учун жамиятда ғоявий бўшлиқ юзага келишига йўл қўймаслик лозим.

Мажлис иштирокчилари таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ёшлар орасида маънавий-маърифий фаолият даражасини ошириш зарур эканлигини таъкидлашди. Бунда талабалар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун янги ўқув адабиётлари муҳим ўрин тутади. Президент Ислом Каримов ўз нутқида бугунги кунда энг долзарб вазифа - аниқ ва равшан, таъсирчан ўқув қўлланмалари ва дарсликларини яратиш эканлигини бежиз таъкидламади. Улар мустақиллик олиб келган барча туб ўзгаришларни акс эттириши, миллий мафкурага асосланган бўлиши лозим. Бу биринчи навбатда ижтимоий-гуманитар фанларга доир ўқув адабиётларига тегишлидир.

Шундай адабиётлар чиқарилмоқда. Масалан, бу йил сиёсатшунослик, тарих, фалсафа, социология бўйича янги дарсликлар, бир қанча ўқув қўлланмалари нашр этилди. Улар юртимизнинг етакчи олим ва мутахассислари томонидан тайёрланган. Республикадаги барча олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув муассасалари миллий мафкуранинг асосий масалалари акс эттирилган маъруза тўпламлари билан таъминланди.

Мажлисда иштирок этган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши масъул котиби Аслиддин Болиев бу соҳадаги ишларни янада жадаллаштириш зарурлигини қайд этишди. Бу ишни олимлар, педагоглар, маънавият ва маърифат соҳаси мутахассислари, маданият арбоблари билан бирга амалга ошириш зарур. Улар ёш авлодни тарбиялаш асоси бўладиган миллий мафкура концепциясини ишлаб чиқишда иштирок этиши лозим.

**А.Иванова,**
**ЎзА мухбири.**

* * *

Урганчда ўтказилган жамоатчилик йиғилиши иштирокчилари миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ҳамда ривожлантириш, жумладан, бу жараёнда ислом ва бошқа динларнинг ўрни каби кўплаб саволларга жавоб олишди.

«Миллий ғоя ва миллий тафаккур - келажакка йўл» шиори остида ўтган қизғин баҳсда Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети ва 1-Тошкент давлат тиббиёт институти филиалининг ижтимоий фанлар ўқитувчилари, Хоразмнинг илмий ва ижодий зиёлилари вакиллари иштирок этди. Қизиқарли фикр алмашиш жараёнида умуммиллий ғоя кўпмиллатли Ўзбекистон халқини мамлакатимизда очиқ фуқаролик ва демократик давлат қуриш йўлида бирлаштиришга хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди. Бу мақсадга интилиш асосий миллий ва умуминсоний маънавий қадриятларни ўз ичига олган миллий ғоя мазмунини акс эттиради. Бу йўналишда кўп соҳаларда амалга ошириладиган ишларда кишиларни, айниқса ёшларни мустақил фикрлашга, асл ва ўткинчи маънавий қадриятларни ажратишга ўргатиш жуда муҳим эканлиги қайд этилди. Жамиятда парокандаликни юзага келтиришга уринаётган турли қўпорувчи экстремистик оқимларнинг асл мақсадини аниқ мисоллар ёрдамида очиб ташлаш зарур.

* * *

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида «Миллий ғоя ва миллий мафкура - келажак йўли» мавзуида илмий-маърифий анжуман бўлди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари раҳбарлари, уларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, маҳалла оқсоқоллари, дин арбоблари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан олға бораётган мамлакатимиз ҳаётида миллий ғоя ва миллий мафкуранинг ўрни ва аҳамияти, уни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гап борди. Тадбир иштирокчилари таниқли олим ва адибларнинг «Онгни ўзгартириш - туб мақсад», «Сиёсий, иқтисодий, маърифий тарғибот уйғунлигига эришиш - давр талаби», «Адабий мерос - мафкурамиз манбаи», «Матбуот ва миллий мафкура» мавзуларида маърузалар тинглади, ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

Худди шундай анжуман вилоятнинг Ўртачирчиқ, Қибрай ва Тошкент туманларида ҳам бўлиб ўтди.

### «ТАШАББУС» - МУСОБАҚА МАЙДОНИ

Мана икки йилдирки, «Сирдарё ҳақиқати» газетасининг бўлим муҳаррири, истеъдодли журналист Мамадали Аҳмедов «Ташаббус» кўрик-танловининг ғолиби деб топилади. У тадбиркорлар фаолиятини ёритган энг фаол журналист сифатида тан олинди.

«Ташаббус-2000» вилоят кўрик-танловида «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши ҳунарманд»гина аниқланмади. У «Энг яхши устоз», «Энг ёш тадбиркор», «Тадбиркорликни энг яхши ёритган журналист»лар учун ҳам мусобақа майдони бўлди.

### ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

«Пахтабанк»нинг Қашқадарё вилояти бўлимида хусусий тадбиркорларга, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчиларга кредит бериш бўлими очилди. Бундан мақсад уларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ечишда ёрдам кўрсатиш, иш юритиш ва ҳисоб-китоблар бўйича маслаҳатлар беришдан иборат. Бу бўлим ишбилармонларга бозор шароитида иш юритиш хусусида ҳам йўл-йўриқлар бериб боради, семинарлар ташкил этади.

### ЎЗБЕК АЁЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Термизда немис этнографи ва ёзувчиси Габриеле Келлер хонимнинг ўзбек аёлларига бағишланган фото кўргазмаси очилди. Бунгача шундай фотокўргазма Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида катта муваффақият билан ўтган эди.

Хорижлик олима ва ёзувчининг ўзбек халқи маданияти, аёлларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, турмуш тарзи, асрий анъаналари ҳақидаги фотолавҳалари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.



**Пири бадавлат отахонларимиз мустақил Ўзбекистонимиз бахти, суянч тоғларидир.**

### ЯНГИ ШИФОХОНА

Конимех туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ўтган йили туманда иккита замонавий шифо маскани қад ростлади.

Яқинда улар сони яна биттага кўпайди. «Навоийдеҳқонқурилиш» бошқармаси бунёдкорлари томонидан «Қарағата» ширкат хўжалиги марказида қурилган қишлоқ врачлик пунктида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилган. Бу ерда физиотерапия, акушерлик, терапия бўлимлари, лаборатория мавжуд.

Шунингдек, «Қарағата» овулида қоракўлчилар учун турар-жой бинолари, маданий-маиший иншоотлар қуриш ишлари ҳам жадал давом этмоқда.

*Таклиф*

## ДАВР ТАЛАБИ

***Ўтган йили Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг бевосита аралашуви билан 3 миллион сўмга яқин иш ҳақи ундириб берилди.***

Биргина Жиззах механика заводидан мурожаат қилган 15 нафар ишчига 748 минг, «Жиззахчўлқурилиш» трестига қарашли 5-АТК томонидан 144 минг 949 сўм, «Жиззахпластмасса» заводидан 72 минг, Жиззахтаксасаройидан 40 минг сўмлик вақтида тўланмаган иш ҳақлари ўз эгаларини топгани фикримиз далилидир. Хўш, ана шундай қонунбузарликларга йўл қўйган маъмурий раҳбарларга қандай интизомий чоралар қўлланилди? Айтиш мумкинки, деярли ҳеч қандай. Негаки, амалдаги қонунларда меҳнат кишисининг бевосита ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилувчи бўлимга бу борада ваколат берилмаган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 255-моддасида кўрсатилишича, меҳнат ва техник инспекцияларигина мазкур Кодекснинг 49-моддасига асосан меҳнат қонунчилигини бузган мансабдорларга кам ойлик иш ҳақининг 2 бароваридан 5 бароваригача жарима солиши мумкинлиги айтилган. Давр талабидан келиб чиқиб, амалдаги меҳнат қонунчилигининг тегишли моддаларига зарур тузатишлар киритиш зарурга ўхшайди.

Яна бир муҳим масала ҳақида фикр билдирмоқчиман. Айтайлик, кенгаш режаси асосида бирор бир йирик корхона фаолияти раёсат йиғилишида кўриб чиқилиши керак. Бунда, табиийки, мазкур корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини ҳам ўрганишга тўғри келади, албатта. Шунда корхона раҳбарияти текширишни мувофиқлаштириш Кенгашининг рухсатини талаб этади. Мувофиқлаштириш Кенгаши таркибида касаба уюшма ташкилотлари ходимлари бўлмагач, улар ҳам бунга рухсат этишолмайди.Бу муаммони бартараф этиш учун текширишни мувофиқлаштириш Кенгаши таркибига касаба уюшма вакилларини ҳам киритиш керак, деб ҳисоблайман.

**Турғун НИЁЗОВ,**
**Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири.**

*Сарҳисоб*

## ОДАМЛАР ИШОНЧИ – ЭНГ ЯХШИ МУКОФОТ

### Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Дилбар Жаҳонгирова билан мулоқот

**— Дилбар Набиевна, бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаётида унутилмас кун. Энг оммавий ташкилотнинг III-қурултойи ўз ишини бошлайди. Анжуманда ҳисобот даврида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, демакки, ютуқлар, камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида алоҳида гап боради. Касаба уюшмаларининг бозор шароитидаги бош вазифаларидан бири меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялашдир. Аммо бу иш ҳар доим ҳам осон кечаётгани йўқ. Баъзида масалалар ечими судга бориб тақалади.**

- Инсон - ҳаёт гултожи. Уни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш шарафли бурчимиздир. Биз ҳузуримизга умид билан келган ҳар бир фуқаро дардига малҳам бўлиш, мушкулини осон этишга ҳамиша алоҳида эътибор берамиз. Бунинг учун малакали, тажрибали мутахассислар сафарбар этилган. Шу ўринда ҳаётий мисол.



Пахтачи тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Р.Умарова ноҳақ ишдан бўшатилди. У адолат излаб, Самарқанддаги мутасадди идораларга мурожаат этди. Хусусан, вилоят касаба уюшмалари мутахассислари раҳбар, аёл тақдири билан боғлиқ бўлган масалани чуқур ўрганиб, у ноҳақ ишдан бўшатилганлигини эътироф этдилар. Туман ҳокимлиги олдига Р.Умаровани қайта ишга тиклаш масаласи қўйилди. Бироқ ишнинг охири кўринмади. Охир-оқибат аёл Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига нажот излаб келди. Ўзаро фикрлашиш чоғида у билимдон, ғурурли, айни пайтда қатъий ҳаракат қила оладиган инсон эканлиги маълум бўлди. Адолатни тиклаш учун энг тажрибали мутахассисларни Пахтачига йўлладик. Расмиятчилик, инсон тақдирига беписандлик бўлавергач «Ишонч» газетамиз орқали ўткир танқидий чиқиш қилинди. Масала ҳатто Раёсат йиғилишида кўндаланг қўйилди. Биз инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялашда изчилликни бўшаштирмадик. Охир-оқибат суд масалага адолатли тарзда нуқта қўйди.

Очиқ эътироф этиш керак, баъзи корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбару мутахассислари қонунни яхши билмайдилар. Боз устига, улар ҳуқуқшуносларнинг маслаҳатисиз, касаба уюшма қўмиталарининг розилигисиз иш юритиб сўнг пушаймон бўладилар. Бухоро туманидаги 20-«трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2-кўчма механизациялашган жамланма бошлиғи М.Маҳмудов трест раҳбари томонидан асоссиз эгаллаб турган вазифасидан бўшатилди. Аммо касаба уюшмалари Бухоро вилоят қўмитаси аралашувидан кейин у ўз жамоаси олдида изза бўлиб, буйруғини ўзгартирди... Шунингдек, Учқўрғон туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги ишчиси Ойбек Охунов, Қўқон шаҳридаги 28-сон болалар боғчаси мудираси М.Ўлмасова, «Оқолтиндон» ҳиссадорлик жамияти ишчиси Р.Пармонов ҳам касаба уюшмалари ёрдамида адолатни тиклашга эришдилар.


(Давоми 2-бетда).

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ – МЕҲНАТКАШЛАР

(Боши 1- бетда).

**- Касаба уюшмалари ижтимоий адолатни қарор топтириш, ижтимоий мадад ва нафақалар ҳақиқатда ҳам муҳтожларга берилишини таъминлашга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шу хусусдаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз?**

## ОДАМЛАР ИШОНЧИ – ЭНГ ЯХШИ МУКОФОТ

- Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган кимсаларни мустаҳкам ижтимоий ҳимоялаш масаласига катта эътибор берди. Бу бозор муаммоларини муваффақиятли енгиб ўтишда муҳим омил бўлмоқда. Савобли ишдан биз ҳам четда қолаётганимиз йўқ. Фақатгина 1999 йилнинг биринчи ярмида аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш учун 19 млрд. сўмга яқин маблағ сарфлади. 16 ёшгача фарзанди бўлган 1 миллион оила, 260 минг кам таъминланган оилалар шунингдек, 2 ёшгача боласи бўлган 540 минг ишламайдиган оналар моддий мадад олганлигининг ўзи кучли ижтимоий сиёсатнинг исботидир. Таъкидлаш жоиз, аҳолининг даромадлар даражаси ва мулкий жиҳатдан ҳаддан ташқари табақаланишини камайтириш борасида чора-тадбирлар кўрилиши кутилган натижани бераяпти. Яъни, бу борада амалга оширилган ишлар натижасида 1996 йил 1 апрелидан Ягона тариф сеткасининг янги 22 разрядли шакли жорий этилди, разрядлараро коэффицентлар эса мунтазам қайта кўриб чиқилаяпти. Мамнуният билан таъкидлайман, ходимлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш ва такомиллаштиришда касаба уюшмалари фаол иштирок этмоқдалар. Масалан, ҳисобот даврида вакилларимиз ва мутахассисларимиз бевосита иштирокида 7 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қарийб 40 га яқин лойиҳа эса касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда Парламент муҳокамасига киритилди. Ана шу қонун лойиҳалари юзасидан билдирилган 180 та таклифлардан аксарият қисми инобатга олинди.

**- Очиқроқ гапирганда касаба уюшмалари органларининг нодавлат сектори ходимлари орасида олиб бораётган ишлари бозор талабига, республикада мулк шаклларининг ўзгаришига мувофиқдир, деб бўлмайди. Тўғрими?**

- Фикрингизга қўшиламан. Таҳлил шуни кўрсатадики, нодавлат сектори корхоналарида меҳнат қилувчи ходимларнинг муайян қисми касаба уюшмаларига аъзо эмас. Демак, улар ижтимоий -иқтисодий ҳимоя тизимидан четда қолишмоқда. Мазкур муаммонинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда ўтган йилнинг январида раёсатнинг кенгайтирилган йиғилишида уни атрофлича муҳокама қилдик. Қабул қилинган қарорда камчиликлар тан олинди. Муаммоларни ҳал этиш, замон талабига монанд равишда фаолият юритишга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланди. Улар изчил амалга оширилаётганлиги туфайли муайян силжишларга эришилмоқда. Жумладан, Ургут-Лада-Мрамор, «Самарқанд саховати», «ДЭУ Текстайл», «Тэкмен», «Ут-Жизантеп», «ПОП-ФЕН» сингари 20 дан зиёд йирик қўшма корхоналарда касаба уюшма ташкилотлари тузилди. Бу йўналишдаги ишлар давом этаяпти.

**- Бозор шароитида меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олдириш касаба уюшмалари фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Айнан шу масалада ҳисобот даврида яхши ишлар амалга оширилганлиги эътироф этилмоқда. Қувончли ўзгаришлар хусусида қисқача тўхталсангиз?**

-Муҳтарам Президентимиз шундай таъкидлаган эди: «Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман». Бу сўзлар зиммамизга масъулият юклади, омилкорлик билан ҳаракат қилишга даъват этди. Натижалар чакки эмас.

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари тизимидаги сиҳатгоҳларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаш, ихтисослаштирилган соғломлаштириш тизимларини барпо этиш, биринчи даражали ишлар деб белгиланди. Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфида 17 та санаторий ва 4 та дам олиш уйи мавжуд. Кейинги беш йил давомида касаба уюшмалари томонидан ажратилган имтиёзли йўлланмалар билан 535 мингдан зиёд меҳнаткаш санаторий, дам олиш уйларида ўз саломатликларини тикладилар. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 705 мингдан кўпроқ ишчи ва хизматчилар санаторий-профилакторийларда даволандилар. Шунингдек, шифо масканларида 40 мингдан зиёд оналар фарзандлари билан шифо топдилар.

Республика аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида бообрў институтнинг илмий хулосасига асосланиб, ўтган йилнинг октябридан даволаш муддати 24 кундан 18 кунга ўтказилди. Натижада йўлланмаларнинг ўртача таннархи 20-25 фоизга арзонлашди. Бу барчага маъқул тушди.

Федерация кенгаши аҳолининг йўлланмаларга бўлган талабини қондириш мақсадида сиҳатгоҳлар тармоғини кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавий бўлимлар очиш ишларига эътиборни кучайтирди. Саъй-ҳаракатлар натижасида Чимбой туманида ажойиб «Гулпаршин» она ва бола санаторийси, «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳида маданият маркази, ошхона мажмуи, «Оқтош», «Турон» шифо масканларида эса барчага маъқул тушган оилавий котежлар қурилиб ишга туширилди. «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи Мохи Хосса», «Умид гулшани», «Марҳамат», «Зомин», «Сарабий» сиҳатгоҳларининг бино ва иншоотларини тиклаш ишлари изчил олиб борилмоқда. Ушбу мақсадларга касаба уюшмалари суғурта маблағларидан 2 миллиард сўмликдан кўпроқ маблағ сарфлади.

Касаба уюшмаларида бўлиб ўтган ҳисобот сайловлар жанговарликни ошириш, сафларимизни жипслаштириш, расмиятчиликка, келишувчанликка барҳам беришда бағоят муҳим рол ўйнади. Касаба уюшмалари қўмиталари раислари сафи ёш, иқтидорли, ташаббускор кадрлар ҳисобига мустаҳкамланди. Фаолиятимизда ютуқлар билан бирга биз айтиб улгурмаган камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар бор албатта. Зеро, улар ҳақида бугун ўз ишини бошлайдиган қурултойимизда алоҳида гап боради.

**Суҳбатдош: Мирғиёс ҚАЮМОВ.**

*Ижтимоий ҳимоя*

***Касаба уюшмалари зиммасига меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа юклатилган экан, унинг бу вазифани қай даражада бажариши, обрўси кимга боғлиқ, деган савол туғилиши табиий.***

## ОБРЎ ОЛИШ ОСОНМАС

Одамлар орасида бўлганимда баъзилар касаба уюшмаларига ишончсизлик билан қарашларини кўриб хафа бўлиб кетаман. Чунки, айрим қуйи бўғинларда касаба уюшмалари раислари зиммаларидаги масъулиятли вазифа қолиб, бошқа майда-чуйда юмушларни бажариб юришади. Тўғрироғи, жамоа бошлиғининг «югурдаги»га айланиб қолишган улар. Сабаби, ўша жамоанинг иқтисодий аҳволи яхши эмас. Чўнтак қуруқ бўлгандан кейин сарф-харажат қаердан бўлади?

Жамоамиз бир вақтлар, қўшни республикалар аҳолисини ҳам балиқ билан таъминлар эди. Кейинчалик аҳвол бутунлай ўзгарди. Ҳатто балиқ етиштириладиган сунъий кўллар ўрнига шоли, пахта экkan пайтларимиз ҳам бўлди. Куч бирликда деб бежиз айтишмас экан. Бундай аҳволнинг олдини олиш учун бутун жамоа биргаликда ҳаракат қилдик: собиқ балиқчилик хўжалиги ўрнида «Балиқчи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ташкил этилди. Жамият аъзолари томонидан сотиб олинган акциялар пули ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарф этилди. Натижада иқтисодимиз аста-секин яхшилана борди. Ўтган йили жамиятимизга ишбилармон, тадбиркор инсон Ҳикматилло Қураматов раис бўлгач, ишларимиз янада юришиб кетди. У киши ҳар бир масалага касаба уюшма қўмитасининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ёндошадилар.

Бугунги кунда касаба уюшмамизнинг 640 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг 205 нафарини аёллар ташкил этади.

Маъмурият билан бир йилга тузган жамоа шартномамизда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш асосий вазифа қилиб қўйилган. Ана шу вазифаларни бажаришда маъмурият бизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватламоқда.

Жумладан, меҳнат таътилига чиқувчиларга бир ойлик маош миқдорида ёрдам бериш, аёлларга қайси вазифада ишлашларидан қатъий назар 24 иш кунида меҳнат таътили бериш, фарзандлари боғчага борувчи ота-оналарга боғча пулининг 50 фоизини жамият ҳисобидан тўлаш одат тусига кирган.

Меҳнаткашларимиз фарзандлари ўқийдиган 35-мактабни ҳар йили таъмирдан чиқариб берамиз. Аҳолига хизмат қиладиган тиббий пунктни керакли мутахассислар ва тиббий асбоблар билан таъминлаш ҳам жамият ҳисобидан бажарилмоқда.

263 нафар нафақачиларимиз доимий эътиборимизда. Уларга байрамларда озиқ-овқат маҳсулотлари берамиз. Янги нафақага чиқувчиларни тантана билан кузатиб, биттадан гилам совға қиламиз.

Жамият аъзоларининг саломатликларини мустаҳкамлаш асосий вазифаларимиздан биридир. Бу йил ходимларимиз тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Ўтган йили 7 киши турли оромгоҳларда дам олган бўлса, бу йил улар сонини 15 нафарга етказиб, болалар оромгоҳларига 120 та йўлланма ташкил этиш режалаштирилган. Аъзоларимиз хоҳишларига биноан таниқли санъаткорларни таклиф этиб, концертлар уюштираяпмиз.

Жамият маъмурияти яна бир муҳим ишни зиммасига олди. Яъни, ишловчиларнинг фарзандларига турли олий ўқув юртларида ўқишлари учун контракт тўловларини ҳам тўлаяпти.

Турли байрамлар муносабати билан ўтказиладиган тантаналарни очиш учун менга сўз беришса, жамият аъзолари ҳурмат-эътибори, энг муҳими касаба уюшма қўмитаси раисидек муҳим ва масъулиятли вазифани бажараётганимдан мамнун бўламан.

Албатта, қўлга киритаётган ютуқларимизда касаба уюшма аъзоларидан Кимсаной Асанбоева, Салтанат Бузрукова, Роза, Раиса Чепятовалар ва Хурсанд Нишоновларнинг ҳам муносиб улушлари борлигини таъкидлагим келади.

**Шаймуҳаммад БЕРГИМБЕТОВ,**
**Қуйи Чирчиқ туманидаги «Балиқчи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.**

### ҚУРУЛТОЙДАН-ҚУРУЛТОЙГАЧА

● Бугунги кунда Республикада 15 та бирлашган тармоқ касаба уюшмалари фаолият кўрсатмоқда.

● Ўзбекистон касаба уюшмалари айни пайтда жаҳоннинг 50 дан ортиқ касаба уюшмалари марказлари, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилади. Улар орасида Германия, Япония, Дания, Хитой, Ҳиндистон касаба уюшмалари бирлашмалари, шунингдек, К.Аденауэр ва Ф.Эберт номидаги халқаро жамғармалар бор.

● Касаба уюшмалари ҳар йили меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга қарийб 5 миллиард сўм сарфламоқда. Жумладан, ўтган ҳисобот даврида республикадаги санаторий ва дам олиш уйларида имтиёзли йўлланма билан 535 мингдан кўп, санаторий-профилакторийларда эса 705 минг киши соғломлаштирилди. Шунингдек, 2 миллион нафар болалар сўлим масканларда мириқиб дам олишди.

● Олий Мажлис, Конституциявий ва Олий судлар билан меҳнаткашларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги амалий алоқаларни кенгайтириш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.



Чироқчи туманидаги нотўқима очиқ ҳиссадорлик жамияти учинчи кварталдан бошлаб пахтани қайта ишлаш заводларига керакли беш турдаги маҳсулотни етказиб беради. Корхонада тайёрланаётган тойланган толани ўрашда ишлатиладиган махсус мато харидорлиги билан эътиборлидир.

Корхонамизда, — дейди жамият раиси Қулмуҳаммад Турсунов, — ҳозирда 200 га яқин киши меҳнат қилаяпти. 1998 йилда 35 миллион сўмлик маҳслот тайёрланган бўлсак, ўтган йили бу кўрсаткични 55 миллион сўмликка етказилди. Ушбу йилда эса камида 75 миллион сўмлик маҳслот ишлаб чиқаришни кўзлаганмиз.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Сўз - анжуман иштирокчиларига*

«Фарзандларимиз биздан кўра билимлироқ, бахтлироқ бўлмоқлари керак». Бу шиор бутун мамлакатимизда бош мавзуга айлангани бежиз эмас. Чунки соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш миллат истиқболи, юрт фаровонлиги, демакдир. Ёш авлод мураббийси сифатида буни чуқур ҳис этаман. Биз иқтидорли, истиқболли ворисларни улғайтиришдек масъулиятли ишда иштирок этаётганимиздан беҳад мамнунмиз.

Маълумки, касаба уюшма ташкилотлари бугун том маънода ёшлар меҳрибонига айланиб бормоқда. Уларни дам олдириш, саломатлигини тиклашга моддий ва маънавий имкониятларини сира аяётгани йўқ. Вилоятимиздаги ҳар бир

## ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЙЛИК

оромгоҳларда ўн минг нафарга яқин болалар дам олишади. Кейинги йилларда мактаблар қошида ҳам дам олиш масканлари ташкил этилмоқда.Бу йил 30 та ана шундай мактаб-оромгоҳлари фаолият кўрсатиши мўлжалланмоқда. Менимча, ушбу тадбирни янада жонлантириш зарур. Негаки, ҳалиям минглаб ўқувчи ёшлар таътил кунларини мазмунан ва фойдали ўтказиш имконига эга эмаслар. Шунингдек, ёзги дам олиш оромгоҳларини уч босқичда ташкил этилишини назоратга олиш лозим, деб ҳисоблайман. Ўтган йили бизнинг вилоятимизда болалар дам олиши икки босқичда ташкил этилди. Ўқувчилар бир ой муддатга бўш қолишди. Бу каби муаммолар ечими жойлардаги касаба уюшма ташкилотларига ҳам боғлиқлиги учун ёзги таътил мавсумигача тегишли тадбирлар амалга оширилишидан умидвормиз.

**Мунаввар АБДУЛЛАЕВА,**
**Гулистон шаҳридаги 16-мактаб-гимназия директори.**

## КЎНГЛИМ НИМАДАН ТЎЛМАЯПТИ?

Бухоро азалдан қўли гул ҳунарманд усталари, зардўзу чеварлари, тикувчию тўқувчилари билан оламга машҳур бўлган. Мустақиллик эса шаҳарнинг иккинчи умрига, шуҳратига асос солди, унинг қўҳна довруғи замонавий корхоналар, бирлашма ва ташкилотлар орқали яна жаҳонга юз тутмоқда.

Мен меҳнат қилаётган жамоа нафақат Бухорода, балки мамлакатимизда донг таратган. Жамоамизда 15 минг киши фаолият кўрсатади. Бу эса 15 минг оиланинг манфаатлари, яшаш тарзи, ижтимоий ҳиссаси, фарзандлари тарбияси ва соғлиги корхона зиммасида, демакдир. Ишчи-хизматчиларнинг 80 фоизини аёллар ташкил этади.

Корхонамиз касаба уюшмаси бозор иқтисодиёти даврида меҳнаткаш аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, туғиш ёшидаги аёллар соғлигини тиклаш масаласида касабақўм ташаббус билан чиқди. Шунга биноан 1-йигирув тўқув фабрикамиз ҳудудида хотин-қизларни соғломлаштириш бўлими очилди. Бу ерда камқон, ҳомиладор оналар даволанишади. Корхонага қарашли профилакторий ҳам ёш болали аёлларга беминнат тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси ҳамкорликда кам таъминланган, кўп болали оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларга баҳоли қудрат ёрдам уюштиряпти. Аммо амалга оширилаётган бу ишлар улкан корхонамиз учун камлик қилади. Даромадга яраша буромад деганларидек, корхонамизда бир кеча-кундузда 126 тонна ип йигирилиб, 500 погонаметр газлама, 55-60 минг дона сочиқ тўқилади. Йил давомида тўқилган газлама билан ер шарини ўраса бўлади. Шундай экан, ишчи-хизматчиларимизга янада яхши меҳнат шароитларини яратишимиз, дам олишлари, соғлиқларини тиклашлари учун кўпроқ меҳрибонлик кўрсатилиши керак. Истардикки, ишчи-хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш учун янги бинолар барпо этилса. Соғлиқларини тиклашлари учун Бухоронинг баҳаво, кўркам масканларида ишчилар санаторийлари, уларнинг фарзандлари учун ёзги оромгоҳлар, ўқувчилар саройлари тикланса кўнгилдагидек иш бўларди.

Бунинг учун эса касаба уюшмаларидан янада фаол ҳаракат ва ташаббускорлик талаб этилади.

Қурултойда менга сўз беришса, юқоридаги фикрларни кўпчилик ҳукмига ҳавола этаман.

**Муслима РАҲИМОВА,**
**«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти ип-йигирув-тўқув фабрикаси техник назоратчиси.**

*Имконият ва натижа*

***Ўз теварагига 640 мингдан зиёд ишловчини бирлаштирган вилоят касаба уюшмлари кенгаши иқтисодиётни мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Шу беш йил ичида вилоят ҳокимлиги билан меҳнаткашларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида имзоланган келишувларимиз шартлари ҳар икки томоннинг фаоллиги билан бажариб келинмоқда. Бу вилоятда ислоҳотларни жадаллаштириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлаётган ходимлар манфаатларини муҳофаза қилишни такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.***

## ҚАЛБИМИЗ ЖЎШИБ ТУРСИН

Кейинги йилларда корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларда маъмурият билан касаба уюшмалари ўртасида жамоа шартномаларининг тузилишига алоҳида эътибор қаратилди. Агарда 1994-95 йилларда тизимда жами 1800 та жамоа шартномалари тузилган бўлса, 1998-99 йилларда бу кўрсаткич 3 мингтага яқинлашиб қолди. Асакадаги «ЎзДЭУ авто», «ЎзКарам-ко», «Ўз-Тонг-Хонг» қўшма корхоналари, Бобур номли ип-газлама ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятини бунга мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Меҳнат-техник нозирларимиз асосий эътиборни жойларда қонун талаблари бузилишининг олдини олишга, фойдаланишга топширилаётган иншоотларнинг қурилиш меъёрларига мос келишини, ишловчиларнинг махсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари билан таъминланишини назорат қилишга, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратмоқдалар. Бу борада амалга оширилган ишлар самарасини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар сони аввалги ҳисобот даврига нисбатан бир мунча камайганлигида ҳам кўриш мумкин.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишларидан бири уларни соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этишдир. Беш йил ичида бу соҳада ҳам қатор ижобий ишлар қилинди. Вилоятдаги санаторий-профилакторийларда 30 мингга яқин ишловчи ва талабалар соғломлаштирилди, бу мақсад учун 200 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Йўлланмаларнинг аксарияти имтиёзли қилиб берилмоқда.

Болалар оромгоҳлари сони вилоятимизда 1995 йилдагига нисбатан 136 фоизга ошди. Улар 8 тага кўпайиб, бултур 30 та стационар оромгоҳ хизмат кўрсатди.

Ишловчиларнинг соғломлаштиришда «Ўзбекистон» ягона кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят ташкилоти имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда. Оммавий спорт ўйинларининг бевосита маҳаллаларда, энг чекка қишлоқларда ўтказиш тобора анъанавий тус олаётгани фикримизнинг далилидир. Мана, икки йилдирки, Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Андижон шаҳрининг Навоий шоҳ кўчаси бўйлаб югуриш бўйича аёллар эстафетаси ўтказилаётир.

Кенгашнинг тегишли бўлимлари жойлардаги маънавият ва маърифат марказлари билан ҳамкорликда сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бу борада махсус дастур қабул қилди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят миқёсида турли оммавий тадбирлар, кўрик-танловлар, адабий-бадиий кечалар уюштирилмоқда. Бироқ маънавиятни ривожлантириш соҳасидаги мавжуд имкониятларимиздан тўлақонли фойдаландик, деёлмаймиз. Чунки тасарруфимиздаги кўплаб кутубхона ва кино-қурилмалар фаолияти бизни қониқтирмайди. Айрим маданият уйлари ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари хўжакўрсинга фаолият кўрсатаяпти. Шу боис ҳозирги кунда биз кутубхоналаримизни янги адабиётлар билан таъминлаш, кино-қурилмалар ишини қайта кўриб чиқиш, маданият уйлари фаолиятини жонлантириш чораларини излаяпмиз.

Мулкчилик шаклларининг ўзгариши жараёнида халқ хўжалиги тармоқларида кўплаб ишчи ўринлари қисқартирилмоқда. Бундай шароитда ходимларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш касаба уюшмалари олдидаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли кенгашнинг вилоят Меҳнат бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси билан ҳамкорлиги тобора яхшиланмоқда. Аввало корхона ва ташкилотлардан ишчи ўринларини қисқартириш жараёни амалдаги қонунлар доирасида бўлишлиги қатъий назорат қилинаяпти. Жойларда янги ишчи ўринларни яратиш масаласи ҳам фаолиятимиз марказида турибди.

Беш йил давомида Кенгашга тушган 10 мингга яқин ёзма ва оғзаки аризаларнинг кўпчилиги ижобий ҳал этилди. Ишловчиларнинг мурожаатлари билан шуғулланишни янада яхшилаш мақсадида Кенгаш қошида алоҳида қабулхона очилди.

Кенгашнинг «Соғлом авлод йили» тадбирлар Дастурига меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга оид қатор долзарб масалаларни киритиб, айни кунларда уларни амалга ошириш чораларини кўраяпмиз.

Кези келганда, шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қуйи ташкилотларга бераётган амалий ёрдамини биз ҳар дақиқада сезиб турибмиз. Кейинги 5 йил ичида Федерация Раёсати ва ижроя қўмитасида бевосита бизнинг вилоятимиз касаба уюшмалари фаолиятига оид 4 та масала кўрилганлиги ва тегишли йўл-йўриқлар берилганлиги ҳам мана шу эътибор натижасидан, деб биламиз.

Хулоса қилиб айтганда, шу беш йил нафақат вилоят, балки касаба уюшмалари учун ҳам жадал ривожланиш йиллари бўлди. Касаба уюшма ташкилотларининг обрў-эътибори ошди. Ишловчиларнинг ўз ҳимоячисига бўлган ишончи янада мустаҳкамланди.

**Азизбек СОДИҚОВ,**
**Андижон вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати.**

# ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

## ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

***Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг II-сессиясида Юртбошимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги камчиликларга ҳам алоҳида тўхталди. Менимча, йўл қўйилган хато ва камчиликларга оқ халатли, қалби пок инсонлар эмас, балки раҳбарлар кўпроқ айбдордирлар. Лекин, бемор нажот истаб турса, бор имкониятдан фойдаланмаслик асло инсофдан эмас. Бугунги кунда туманимиз ҳудудидаги А.Сафаров, Ж.Хўжаниёзов, У.Дониёров номли жамоа хўжаликларида тўлиқ тиббий ускуналар билан жиҳозланган амбулаториялар ишлаб турибди. «Далварзин» ва «Ижтимоият» жамоа хўжаликларида шундай тиббиёт масканлари қурилиши ишлари поёнига етказилмоқда.***

Касаба уюшма қўмитамиз 3000 нафарга яқин аъзоларни бирлаштирган. Зиммамизда нафақат уларнинг, балки саломатликларини тиклаш учун келган бошқа беморларга ҳам ғамхўрлик кўрсатишдек масъулият бор. Ана шу мақсадда туман марказий шифохонаси бош ҳакими Мамат Худойбердиев билан жамоа шартномаларини имзоладик. Унга мувофиқ, ҳар бир ходимга меҳнат таътилига чиқаётганда бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам, ёш болали аёлларга қўшимча 5 кунлик пуллик таътил, иш ҳақини ўз вақтида бериш, дам олиш хоналарини жиҳозлаш каби ўнлаб мажбуриятлар қабул қилинди. Қишлоқ врачлик амбулаторияларимизда 47 турдаги тиббий жиҳоз ва ускуналар ўрнатилган. Туман аҳолисига 37 тиббий пункт, «Толли» жамоа хўжалигида 30 ўринли, Марказий шифохона ҳудудида эса, 90 ўринли замонавий туғруқхона мажмуи, яна 310 ўринли болалар кардиологоневрология бўлимлари беминнат хизмат кўрсатаётир. Бироқ баъзан беморлар айрим дори-дармонларни сотиб олишига тўғри келмоқда. Бу ҳақда вазирликларгача мурожаат қилганмиз. Беморлар баъзи жойларда мослаштирилган хоналарда даволанаяптилар. Шунга қарамай, юқумли касалликлар шифохонасида ҳар томонлама шароит яратиб берилган. Бу ерда беморлар дори-дармон билан 100 фоиз таъминланган. Тажрибали шифокорлар Турсуной Қаршиева, Мастура Бобоева, Абдужаббор Шаймардонов, Хушмамат Тангиров, Ҳасан Абдуллаевларнинг беминнат хизматидан беморлар мамнун бўлаётирлар. Бизнинг олдимиздаги энг катта муаммо - хотин-қизларни тезликда тиббий кўрикдан ўтказиш масаласи. Шунингдек, «Далварзин» ва «Ижтимоият» жамоа хўжаликларидаги қишлоқ врачлик амбулаторияларини ишга тушириш учун тиббий жиҳозлар етишмаяпти. Ана шу муаммони ҳал этишда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ёрдам қўлини чўзсалар нур устига аъло нур бўларди.

**Абдулазиз АЛИМОВ,**
**Шўрчи тумани соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

### *Сўз — делегатларга*

## ОРТИҚЧА ИШЧИ КУЧЛАРИ — КОРХОНАЛАРГА

Мамлакатимизнинг кўплаб жойларида бўлгани каби бизнинг «Намуна» ширкат хўжалигида ҳам тадбиркорлик, ишбилармонлик билан иш юритиш ўз самарасини бермоқда. Масалан, ўтган йили хўжалик йиллик пахта режасини 107 фоиз, шоли режасини 125 фоизга бажарди. Қишлоқ хўжалигидан олинган умумий даромад эса 400 миллион сўмни ташкил этди. Меҳнаткашларимизга етарли шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида кўплаб ишларни амалга оширмоқдамиз. Хусусан, кейинги икки йил мобайнида меҳнат муҳофазасига 2 миллион сўм сарфланди. Хўжалик аъзоларидан 182 киши республика ва вилоят сиҳатгоҳларида бепул дам олдирилди. Уларнинг 26 нафарига хўжалик ҳисобидан бепул йўлланма ажратилди. Кези келганда айтиш керакки, санаторий-профилакторийлар йўлланмаларининг нархи анча қимматлашиб кетди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган оддий фуқаро — деҳқон ёки фермер учун эса, табиийки бу оғирлик қилади. Шунинг учун ҳам бу масалани ўйлаб кўриш вақти етди, деб ўйлайман.

Хўжаликда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларни, якка-ёлғиз кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш доимий диққат марказимизда. Ўтган йилнинг ўзида хўжалик бошқаруви касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда 52 та кам таъминланган оила, 6 нафар якка-ёлғиз кишиларга моддий кўмак кўрсатилди. Уларга 331 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари бепул тарқатилди. Шунингдек, хўжалик чорвадорларини йил бўйи иссиқ овқат, сут маҳсулотлари билан таъминлашни ҳам йўлга қўйганмиз.

Ўтган йили хўжалигимиз ширкат хўжалигига айлантирилиши муносабати билан 480 киши ишсиз қолганди. Хўжалик бошқаруви касабақўм билан биргаликда бу масалага жиддий ёндошиб, аниқ тадбирлар ишлаб чиқди. Унга мувофиқ хўжалик ҳудудидаги консерва маҳсулотлари ва ғишт ишлаб чиқарувчи заводларида 170 та янги иш ўрни очилди. Шунингдек, янги тикув цехи ҳамда таъмирлаш-қурилиш бригадаси ташкил этилиб, уларга 90 нафар киши жалб қилинди. Бундан ташқари, Германия билан ҳамкорликда кичик қўшма корхонани ишга тушириш арафасида турибмиз. Бу ерда ҳам тез орада 60 киши иш билан таъминланади.

Эришган, эришаётган ютуқларимиз ўзимизники. Бироқ, баъзи кўнгилни хижил қилувчи муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Хўжалик Оролбўйи зонасида жойлашганлиги учун аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи бизни бироз қийнаб турибди. Бу борада амалий ёрдам бериш вақти етди.

Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг учинчи қурултойида қуйидаги таклиф билан чиқмоқчиман: Маълумки, ҳозирда тадбиркорлар касаба уюшмалари алоҳида тармоқ касаба уюшмаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Агарда тадбиркорлар касаба уюшмалари агросаноат ходимлари касаба уюшмалари билан бирлашса, жойлардаги муаммолар ечими осонлашармиди, деб ўйлайман.

**Қуролбой САПАЕВ,**
**Гурлан тумани «Намуна» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.**

## ИШЛАШНИ БИЛМАГАН ЯШАШНИ БИЛМАЙДИ

### лавҳа

Касаба уюшма қўмитаси раиси, деганимизда кўз ўнгимизда меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этувчи, ўз сўзининг уддасидан чиқа олувчи, уларнинг талаб ва истакларини маъмурият олдига кўндаланг қўювчи инсон келади.

Пойтахтимиздаги «Алгоритм» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитасига қарийб 10 йилдирки Йўлчибой Раҳимжонов раислик қилиб келмоқда. Унга завод қадрдон ва азиз бўлиб қолган. Сабаби, илк меҳнат фаолиятини ёш мутахассис сифатида шу ердан бошлаган. Аввал муҳандис-математик, кейин муҳандис-дастурчи, автоматик бошқарув тизими бошлиғи лавозимларигача кўтарилди. Шу йиллар давомида ҳам, ҳисоблаш маркази бошлиғи вазифасида меҳнат қилаётган вақтда ҳам одамларга ёрдам бергиси, дардига малҳам бўлгиси келаверарди.

Йўлчибойнинг бу сифатлари ишчи-хизматчиларда унга бўлган меҳрни ошириб, муаммоларга ечим топиш ниятида мурожаат этишга, турли масалаларда маслаҳат сўрашга интилардилар.

Шу боис, 1991 йили жамоа Й. Раҳимжоновни касаба уюшмаси қўмитасига раис этиб сайлади. Мана ҳаш-паш дегунча орадан шунча йиллар ўтди ҳамки, кўпчилик ишончини оқлаган ўз касабақўмларидан мамнунликларидан уни ушбу лавозимга учинчи муддатга сайладилар.

- Меҳнаткашнинг иш ҳақини ошириб бориш, турмуш даражасини яхшилаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг бош омилидир,- дейди у. - Бу вазифалар эса жамоа шартномалари орқали амалга оширилади. Касаба уюшмаси ишчининг меҳнат муҳофазасидан тортиб, техника хавфсизлигигача, оилавий шароитидан тортиб, соғлиғини яхшилаш масалаларигача хабардор бўлган ҳолда кўмак бериши лозим. Хусусан, заводимизнинг «Семурғ» номли санаторий-профилакторийсида нафақат ишчи-хизматчилар, балки уларнинг оила аъзолари ҳам имтиёзли равишда ҳордиқ чиқариб, даволанадилар. Меҳнат ва уруш фахрийлари ҳам унинг хизматидан фойдаланадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, металлургия ва машинасозлик тармоғига кирувчи корхоналар орасида «Алгоритм» ҳиссадорлик жамияти тасарруфидагина санаторий-профилакторий фаолият кўрсатмоқда. Завод ишчи-хизматчиларидан ортган йўлланмалар эса ташқаридаги талабгорларга сотилади. Шу йўл билан ўз-ўзини қоплаш йўлга қўйилган. Ишчилар эса бор йўғи 3,5 минг сўм тўлайдилар, холос. Ушбу санаторий-профилакторий таъминоти учун касаба уюшмаси томонидан бир йилда 20 миллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Касабақўм раиси Й. Раҳимжонов ва ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Мирилёс Азимовнинг саъй-ҳаракатлари билан корхонага қарашли «Элбрус» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳам 1992 йилдан бери болажонлар хизматида бўлмоқда. Чимён тоғ ёнбағирларида жойлашган ушбу маскан болалар таътили тугагач, қиш ойларида корхона ишчи-хизматчиларини ўз бағрига олади.

Касабақўм Чилонзор туманидаги 23-меҳрибонлик уйини бир неча йиллардан бери ўз оталиғига олган. «Соғлом авлод йили»да болаларнинг баҳорги таътил кунларида ушбу меҳрибонлик уйининг 84 нафар тарбияланувчилари ва шу туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул дам олдилар. Завод меҳнаткашларининг эса 300 дан зиёд фарзандлари ҳордиқ чиқардилар.

-Шу ўринда бир муаммони қўймоқчи эдим, - дейди Йўлчибой Раҳимжонов. - Болажонларни оромгоҳга олиб бориб, олиб келиш масаласида автокорхона раҳбарияти жуда катта маблағ сўрамоқда. Бу бизни жуда қийин аҳволга солаяпти. Йўлланма қиймати 1,5 минг сўм бўлиб турган бир пайтда йўл харажати ҳар бир болага 3 минг сўмдан тўғри келди. Шу боис, бу соҳада автокорхоналар томонидан ижтимоий ҳимоя мақсадидаги хизматлар учун айрим имтиёзлар жорий қилиш масаласи ўйлаб кўрилса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган бу инсоннинг келажакдаги орзулари ҳам улкан...

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**«Ишонч»нинг махсус мухбири.**

## КИТОБ БИЛАН ОШНО БЎЛАЙЛИК

Файласуфлардан бири маънавият инсонийликка олиб борадиган йўлдир, деб таърифлаган экан. Адолатли фуқаролик жамияти қураётган Ўзбекистонимиз ўз келажагига ана шундай маънавият-маърифат йўлидан бормоқда.

Маънавий баркамол инсонда эса сўз аждодларига ҳурмат-ифтихор туйғуси барқарор бўлиб, улар Ватанни теран англайдилар, халқ, миллат ғурурига айланадилар. Шаҳримиз маданият ходимлари касаба уюшмалари 24та бошланғич ташкилотни ўз сафига бирлаштирган. Улар мамлакатимиз ишончи ёш авлодни маърифат-маънавият оламига бошламоқдалар. Маърифатнинг калити эса китобда, кутубхоналарда.

Мен маънавият-маърифатнинг бугунги авлод тарбиясидаги оламшумул ролини таъкидлаш билан бирга айтмоқчиманки, ана шундай эзгу касб соҳибу соҳибаларининг турмуш шароити, ҳаёт тарзи бугун қандай? Маданият ходимларининг ўзи бугун ижтимоий ҳимояга муҳтожми?

Албатта. Шу муносабат билан уларни мустаҳкам ижтимоий муҳофаза қилиш масаласини яхшироқ ўйлаб кўриш керак, деб ҳисоблайман. Бу муаммони ҳал этишда касаба уюшмалари уларга мадад қўлини чўзишларидан умидвормиз. Булардан ташқари, давлат томонидан маданият ходимлари — кутубхоначиларга берилган имтиёзлардан фойдаланишда айрим муассаса раҳбарлари томонидан бирёқламаликка йўл қўйилаётгани сир эмас.

Маданият муассасалари — кутубхоналар, клублар таъмирлашга муҳтож, китоб фондларини бойитиш, зиёли ходимларнинг ишлаш, яшаш шароитларини янада яхшилаш керак.

Бу муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ёрдам беришига ишонаман.

**Илҳомжон ҲАМДАМОВ,**
**Қўқон шаҳар 2-сон маданият уйи бадиий раҳбари.**

### *Хориж билан ҳамкорлик*

***Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари жаҳоннинг 50 дан ортиқ касаба уюшмалари марказлари, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилади. Уларнинг орасида Германия, Дания, Хитой, Ҳиндистон касаба уюшмалари бирлашмалари, шунингдек, К.Аденауэр ва Ф.Эберт номидаги халқаро жамғармалар алоҳида ўрин тутади. Шу жумладан, Япония касаба уюшмалари бирлашмаси, хусусан, Япония Меҳнат Жамғармаси (JILAF) билан ўрнатилган яқин алоқалар умумишимизда аҳамият касб этади, деган умиддамиз.***

## ЯПОНИЯДА ЎН БЕШ КУН

Ўзига хос ва ўзига мос йўлдан истиқбол сари дадил бораётган Ўзбекистон учун тараққий топган мамлакатлар тажрибасига доҳил бўлиш кўзланган манзилга тезроқ бориш имконини беради. Шу маънода кун чиқар ўлка - Япония ўз мўъжизалари билан эътиборга моликдир. Бу яна шунинг учунки, Ўзбекистон қайсидир жиҳатлари билан Японияга ўхшаб кетади. Дунёни ҳайратга солган энг ноёб технология кашшофлари айни вақтда ўтмиш маданияти ила бекиёс ҳурмат қозониб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу эса бизга ҳам хосдир.

Хўш, Япония қандай мамлакат ва у эришаётган ютуқлар замири қаерда? Бу саволларга бирданига тўлақонли жавоб қилиш қийин. Лекин бир нарса аниқ: барча муваффақиятлар, бу энг аввало энг катта бойлик - одамларнинг ўзидир. Уларнинг ўз юртларига, қадриятларига ва албатта келажакка бўлган муносабатлари онгли меҳнатга йўғрилган катта салоҳиятдадир.

Япония нисбатан кичик давлат. Унинг ҳудуди сал кам 371 минг квадрат километрдир. Шунинг 14 фоизида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилса, 5 фоизи уй-жойлар билан банд. Аҳолиси 127 миллион атрофида. Бошқача қилиб айтганда, ҳар квадрат километрга 337 киши тўғри келади.

Япония - конституцион монархия давлатидир. Давлат бошлиғи - император Акихито. Парламент йўли билан бошқарилади.

Бу давлатнинг иқтисодий имкониятлари ҳақида матбуотда кўп илиқ сўзлар айтилган. Гарчанд Японияда фойдали қазилма бойликлар жуда оз бўлса-да, у дунёда энг кўп олтин заҳирасига эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Бу эса, шубҳасиз, ишлаб чиқариш ниҳоятда юксак технология асосига қурилганлиги, бошқа мамлакатлар билан қиёслаганда ишсизлик ҳам нисбатан кам эканлиги билан изоҳланади. Гарчанд Япония асосий хомашёни четдан келтириш ҳисобига саноатини ривожлантиришга мажбур эса-да, экспорт ва импорт ҳақида сўз кетганда, ташқи савдодан келган тушум йилига салкам 14 триллион иенни ташкил қиладики, бундай кўрсаткич билан бармоқ билан санарли мамлакатларгина мақтаниши мумкин.

Биз Японияда хизмат сафаримиз чоғида, табиийки, иш ҳақи, меҳнат шароити, ижтимоий суғурта каби Ўзбекистон касаба уюшмалари иш фаолияти учун ҳам зарур бўлган масалаларга кўпроқ эътиборни қаратдик. Кези келганда, мамлакатда юзага келган осойишта ишчан кайфият ҳар қандай муаммони оғир-босиқлик билан ҳал қилиш имконини бераётганини таъкидлашни истардим. Меҳнаткашлар ўз ҳуқуқларини, шу билан бирга фуқаро сифатидаги бурч ва масъулиятларини ҳам англайдилар. Энг муҳими, қандай касб, мутахассислик ва заковат учун қанча ҳақ тўланиши, турмушини фаровонлаштиришни истаган ҳар бир киши ўз устида тинимсиз изланибгина мақсадга эришиши мумкинлиги бу ерда ёзилмаган қонун тусига кирган.

Масалан, олий ўқув юртини янги битирган йигит ёки қиз, дейлик, маъмурий лавозимни эгаллаб, ўртача 200 минг иен иш ҳақи олишини, ўрта махсус таълим муассасасини битирганлар эса ўзларига таклиф этилган техник лавозим учун бундан 40 минг иен кам маош олишларини яхши билишади. Лекин маош йил сайин аста-секинлик билан бўлса-да, мунтазам равишда ортиб бораётир.

Умуман, Меҳнат вазирлигидан тақдим этилган маълумотларга қараганда, 1998 йилда меҳнат билан банд бўлган аҳолининг ўртача ойлиги, мукофотлар билан қўшганда, 366481 иенни ташкил қилган.

Бизга тақдим этилган маълумотлар ичида бир нарса алоҳида диққатимизни тортди: Японияда маош тайинлашда малака, тажриба, билим билан бир қаторда ёш ҳам катта аҳамиятга эга эканлигининг шоҳиди бўлдик. Қарангки, меҳнат билан машғул аҳолининг ўртача йиллик маоши 4 миллион 608 минг иенни ташкил этгани ҳолда, 42 ёшдан ошган ва 11,8 йил иш стажи борлар яна 896 минг иен даромадга ҳам эга бўлар эканлар.

Беихтиёр савол туғилади: япон меҳнаткаши бу пулни қандай сарфлайди ва умуман, у яшаш учун етарлими? Бизга қизиқ рақамларни келтиришди: Мисол учун, 1998 йилда оиласи 3-5 кишидан иборат ишчининг ўртача ойлик даромади 588916 иен бўлган ва сарф-харажатлар эса шу даромаднинг 71 фоизини ташкил қилган. Озиқ-овқат учун 21,9, уй-жой учун 7,2; коммунал хизматлар учун 5,6 фоиз сарфланган. Йигирма фоиз даромад солиққа тўланган, транспорт ва таълим учун ҳам даромаднинг олтидан бир қисмини сарфлашга тўғри келган.

Японияда эканмиз, яна бир нарсага ишонч ҳосил қилдик. Японлар ҳам ўзбек халқига ўхшаб ғоят болажон: уларнинг билим олиши ва комил инсон бўлиб вояга етиши учун ҳар нарсага тайёр. Зеро, оила даромадининг талай қисми худди шу болажонлар - оила давомчилари ва мамлакат истиқболи эгаларига сарфланади. «Болалар - бизнинг келажагимиз», дейишди биз билан суҳбатда японлар.

Қандай ўхшашлик!

**Элёр ЁҚУБОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари.**

**(Давоми бор).**



### *Намунали шифо масканларида*

## «ТУРОН» ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан белгиланган Дастур шарофати билан жойларда кўплаб хайрли ишлар рўёбга чиқмоқда. Хусусан, Курортлар бошқармасига қарашли сиҳатгоҳларда ўтган беш йил мобайнида талайгина ишлар қилинди. Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида «Гулпаршин» санаторийсининг очилиши ва бир нечта сиҳатгоҳларда «Она ва бола» бўлимларининг фойдаланишга топширилиши фикримизнинг яққол далилидир. Республикамизда энг севимли масканлардан бири бўлган «Турон» сиҳатгоҳи эса шу йиллар ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди.

— Илгарилари санаторийимизда фақат кардиология бўлими фаолият кўрсатарди, - дейди биз билан суҳбатда бош ҳаким Мирафзал Юнусов. — Ҳозирги кунда эса бунга неврология, гинекология, андрология ва бошқа бўлимлар қўшилди. Натижада юрак, қон-томир, асаб, бўғин ва бошқа касалликларни даволаш имконияти туғилди. Реабилитация бўлимида эса ўткир инфаркт бўлган беморларга юракнинг ишлаш фаолиятини қайта тиклаш муолажалари ўтказилмоқда. Бундан ташқари, сиҳатгоҳда кўз шифокорлари, стоматолог, гастроэнторолог ва бошқа тиббиёт мутахассислари фаолият кўрсатади. Замонавий тиббиёт ускуналари ёрдамида маъданли сув билан беморларнинг ошқозон-ичак, жигар, ўт йўллари ювилади. Таянч-бўғин касалликларини даволаш бўйича мануал терапия, умуртқа поғонасининг бўғин, кўкрак ва бел қисми оғрийдиган беморларни даволайдиган мосламалар мавжуд. Физиотерапия бўлими эса лазеротерапия, комьютер хоналари ва бошқа замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига эга. Шунингдек, бу ерда беморлар балчиқ-озокерит, гидроаэролинизация усули, ҳар хил шифобахш ўтлардан тайёрланган шарбатлар билан даволанадилар. Ошхонада ҳар бир дам олувчининг буюртмасига қараб овқат тайёрланади.

Ҳақиқатан ҳам мазкур сиҳатгоҳда дам олувчилар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ёзги ва қишки клублар ишлаб турибди. Бу ерда мустақил дам олиш соатлари, дискотекалар уюштирилади. Автобусларда пойтахтнинг гўзал ва зиёратгоҳ жойларига, табиат қўйнига саёҳатларга олиб борилади. Дам олувчилар биллиард, теннис, шахмат-шашка, бадминтон, волейбол ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланишади.

— Бу ерга олтинчи марта келишим, - дейди Паркент туманининг Сўқоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳамдам Ўролов. — Биринчи марта 1995 йилда юрак касалига дучор бўлгандан кейин келиб реабилитация бўлимида даволандим. Айни кунларда ванна, магнит, массаж ва бошқа физиотерапевтик даволарни олаяпман. Саломатлигимнинг яхши томонга ўзгаришида ҳаким Умида Рашидованинг ҳиссаси катта. Чунки у ўз соҳасини яхши билиши билан бир қаторда хушмуомалалиги билан ҳам ажралиб туради.

Ўтган беш йил ичида сиҳатгоҳда қурилиш борасида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Ҳозирги кунда қайта таъмирланган хоналарнинг ҳаммаси бир ёки икки кишилик бўлиб, уларда яшаш учун ҳамма шароитлар мавжуд. Ўтган йили санаторий ҳудудида Федерациянинг бевосита ёрдамида ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган «Она ва бола» бўлими фойдаланишга топширилди. Хоналарда телевизор, телефон, юмшоқ мебель, гиламлар бор. Шунингдек, яқинда янги чўмилиш сув ҳавзаси ишга туширилди. У ердаги ускуналарнинг ҳаммаси Германиядан келтирилган. Бу ускуналар ҳатто сув ҳавзасидаги сувни тозалаб, иситиб бера олади. Сауна, душ, дам олиш, массаж хоналари дам олувчилар хизматида.

Айни чоғда Федерацияга қарашли Капитал қурилиш бошқармаси санаторий ичида 36 ўринли янги бинони қураяпти. Шунингдек, қурувчилар замонавий ташҳис маркази қурилишида ҳам фаол қатнашмоқда.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**Икром ҲАСАНОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

